# УМУМХАЛҚ НАЗОРАТИ



Бекобод районидаги «Ленинград» совхози чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишмоқда. Ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш ферма халқ контроли группаси аъзоларининг ҳам доимий эътиборида турибди.

СУРАТДА: халқ назоратчилари Ф. Мусаев ва М. Мамедов зоотехник А. Хидиров ҳамда бригада бошлиғи М. Забитов билан озуқа сифатини кўздан кечиришмоқда.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.

*Қайта қуриш чорраҳаларида*

## ИНСОН ҲАҚИҚАТДАН РУҲЛАНАДИ

Қайта қуриш жараёни, унинг аниқ, изчил талаблари ҳар соҳада бурилиш ясаш, меҳнат кишиси қалбига ҳурмат ва ишонч билан кириб боришни тақозо этмоқда. Сир эмас, авваллари ишимизда юзакичилик, юзхотирлик, ўзибўларчилик каби камчиликлар кўзга яққол ташланарди. Баъзида айрим амалдор шахсларнинг раъйини қайтаришга ўзимизда журъат тополмаган кезлар ҳам бўлди. Оқибатда меҳнаткашларнинг назоратчиларга ишончига путур етди.

Область халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органлари сабоқлардан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Қарорлар ижроси қатъий назорат остига олинган. Ҳар бир ариза, шикоят батафсил ўрганиляпти. Текширув ва рейд натижалари комитет мажлисларида принципиал муҳокама этиляпти. Назоратнинг самарадорлигини таъминлашга партия, совет ташкилотлари катта ёрдам бераётирлар. Ўтган йили турар жой ва гўшт етиштириш муаммоси билан боғлиқ 52 масала партия комитетлари ва халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари муҳокамасига киритилди. Сентябрь ойида эса область партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси билан биргаликда тайёрланган «Шаҳар, район халқ контроли комитетлари ва группаларининг материаллари асосида партия, совет органлари томонидан қўлланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала область партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бу ишимизни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди.

Бугун ҳар бир коллективнинг, корхона, ташкилот, колхоз ва совхоз раҳбарлари, мутахассисларининг фаолиятлари ижтимоий-иқтисодий тафаккур даражаси билан ўлчанади. Афсуски, ҳали бу борада қоида бузишлар, чалкашликлар тўла бартараф этилмади. Жумладан ўтган йили ўзига юклатилган вазифани бажариш давомида жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун 1.330 нафардан ортиқ мансабдор шахс фаолиятига принципиал баҳо берилди. Етти киши ишдан бўшатилди, 4.600 нафарига 100.081 сўм начёт қилинди.

Инқилобий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётган даврда хўжасизлик, ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ҳоллари бизни ташвишга солмоқда. Айниқса, ёнилғи ва энергия исрофгарчилиги бу муҳим масалага ҳар қачонгидан ҳам жиддий ёндашишни талаб этаяпти. 1987 йилнинг кейинги ярим йилида текширув ўтказилган 369 та объектдан 201 тасида қоида бузишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Беparволик шунгача бориб етганки, 55 жойда электр чироқлари бекор ёниб туриши ҳисобига 98,4 киловатт-соат энергия исроф қилинган. Аниқ тадбирлар асосида ҳаракат қилдик. Меҳнат коллективларида кенг тушунтиришлар олиб борилди. Натижада тўққиз ой давомида область бўйича 15,4 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Халқ контролининг қуйи бўғинларида, штатсиз инспекторлар фаолиятида қувончли ўзгаришлар содир бўлаяпти. Фаоллик шахс психологиясига боғлиқ. Биз уларнинг ишини Ленинград шаҳар халқ контроли комитетининг ошкоралик ва демократия шароитидаги тажрибаси асосида ташкил этаяпмиз. Мақсадга эришишда «Ягона халқ контроли куни»нинг таъсири сезиларли бўлаяпти. Унда халқ контролёрларига амалий ёрдам кўрсатилаяпти, илғор тажрибалар кенг тарғиб этилмоқда.

Халқ контролининг масъул ходимларини аттестациядан ўтказдик. Штатсиз инспекторлар билан якка тартибда суҳбатлар қурилди. Уларнинг 30 проценти янгиланди. Омма билан алоқа мустаҳкамланмоқда. Комитетга келаётган хатлар оқими ҳам шундан далолат беради. Очиқ айтиш керак: баъзи раҳбар ходимларда ҳали ҳам бюрократлик касали мавжуд. Ундайларда билим, кишиларга меҳр, ҳурмат, раҳбарлик санъатининг салоҳияти етишмайди. Замонавий раҳбар юқорида мен таъкидлаган жиҳатлардан ташқари жамият тартиб-қоидаларини, социалистик қонунчиликни, инсон ҳуқуқларини чуқур билиши зарур. Акс ҳолда у хатоликка йўл қўяверади. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Қўрғонтепа район кинодирекцияси шофёри М. Нажимов ишдан ноҳақ бўшатилди. У область халқ контроли комитетига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Масала жойида атрофлича муҳокама этилиб, кинодирекция раҳбарларининг совуққонлиги, манманлиги қаттиқ танқид қилинди. М. Нажимов ўз вазифасига тикланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кези келганда имзосиз хатлар ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Адолат учун ошкора курашмоқ керак. Кейинги вақтларда бундай хатлар сони анча кўпайди. Сабаби равшан: ҳақиқат учун дадил курашаётган баъзи кишилар бир оғиз сўз ёки хат учун ноўрин жазоланган, таҳқирланган вақтлар бўлган. Бундан қора юрак, ғаламислар фойдаланишга уринишган. Фикримча, ошкоралик, демократия чуқур илдиз отаётган ҳозирги кунларда имзосиз хатларнинг умри тугади.

Меҳнаткашлар маиший хизмат савияси, савдо, алоқа хизмати талабга жавоб бермаётганлиги ҳақида куюниб ёзишаётганини эътироф этиш керак. Афсуски, савдо соҳасидаги камчиликларни тугатиш қийин кечаётир. Камёб молларни пештахта остига яшириш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш давом этаяпти. Чамаси, назоратчилар фаолиятида изчиллик, ҳушёрлик, дадиллик етишмаяпти. Айни кунларда фаолиятимизни янада жонлантириб, назоратнинг самарадорлигини таъминлаш учун бутун чоралар билан ҳаракат қилаяпмиз.

Советобод шаҳар савдо бошқармасига қарашли магазинларда пардали бахмал оширилган нархда сотилаётгани ҳақида сигнал тушди. Шошилинч текширув ўтказилди. Фактлар тасдиқланди. Айбдорлар фаолиятига принципиал баҳо берилди. Омборхона мудири Б. Шокиров, 30-магазин мудири П. Тўйчиева вазифаларидан бўшатилиб, иш прокуратурага оширилди.

Бундай кўнгилсиз ҳоллар такрорланаётганлигига харидорларнинг ўзлари ҳам маълум маънода сабабчидирлар. «Бу менинг ишим эмас...» қабилидаги лоқайдлик қимматга тушмоқда. Бекатдаги электр лампочкасини кимдир синдиради. Автобус ўриндиғини безори тилиб ташлайди. Буни кўпчилик кўра-била туриб, эътибор қилмайди. Савдода ҳам шундай. Оддий ишчи ёки колхозчи пешона тер эвазига топган пулини муттаҳамга бериб кетаверади. «Тўхта, мен ҳам, сен ҳам совет гражданимиз. Нега бундай қилаяпсан?» — дейишга истиҳола қилади. Ҳақиқат учун курашдан ўзини четга олади. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, қатъий ҳаракат қилгандагина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Халқ назоратчиси ҳалол, пок, ҳар бир масалага давлат нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлиши керак. Меҳнаткашлар унинг ҳузурига адолат истаб келишади. Инсон эса ҳақиқатдан руҳланади.

**А. ОТАХОНОВ,**
**Андижон область халқ контроли комитетининг раиси.**

*ТЕКШИРУВ САМАРАДОРЛИГИ*

## ҲОТАМТОЙЛИК... ДАВЛАТ ҲИСОБИГА

Иштихон районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари қишки дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Техника ремонти, ўғит жамғариш, ариқ-зовурларни тозалаш авжида. Бунда халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар вақти-вақти билан текширув ва рейдлар ўтказиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, колхозчиларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга эришишда партия комитетига яқиндан ёрдам беришмоқда. Мавжуд 13 группа ва тўртта постга уюшган 80 нафар назоратчи ўз фаолиятини янгича талаблар асосида қайта қурмоқда. СССРда халқ контроли органлари тўғрисидаги қонунга қатъий риоя этилаётганлиги ошкоралик ва самарадорликни таъминлашда муҳим омил бўлаяпти.

...Сут-товар фермасида маҳсулдорлик камайиб кетаётганлиги эл мулки посбонларининг эътиборини тортди. Суюн Қаноатов бошчилигида аҳвол синчиклаб ўрганилди. Сигирсоғарлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Тахмин тўғри бўлиб чиқди. Интизом, партиявий таъсир сусайиб кетганлиги оқибатида молларни парваришлаш, озуқадан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Ажабланарлиси шуки, ферма мудири, баъзи раҳбар ва мутахассисларнинг 25 бошдан зиёд моли колхоз ҳисобидан боқиб келинган. Бир кунда уларга ўрта ҳисобда 895 килограмм озуқа едирилган.

Текшириш якунлари колхоз партия комитетида муҳокама этилиб, айбдорларга жарима солинди. Уларнинг қилмишларига яраша маъмурий чора кўриш правлениe аъзолари эътиборига ҳавола этилди. Колхозчилар бу кўнгилсиз фактни қаттиқ қораладилар.

Шундан кейин фермада иш изга тушди. Уюшқоқлик, талабчанлик муҳити қарор топди. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланила бошланди, соғиб олинаётган сутнинг салмоғи ошди. Меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашди.

Заршунослар билан суҳбат жараёнида Ҳамидулла Эрдонов бошлиқ бригадада дала ишлари сифати талабга жавоб бермаётганлиги, меҳнатга ҳақ тўлашда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Партия топшириғини сидқидилдан адо этиб, эътибор қозонган Худойберди Исроилов, Бекмирза Нормуродов ўртоқлар қолоқ бригадага амалий ёрдам ва мадад кўрсатдилар. Оилавий пудратни жорий этиб ҳисоб-китобни йўлга қўйиш, механизациядан фойдаланиш хусусида аниқ тушунчалар берилди. Натижада пудратчилар ўртасида мусобақа қизғин тус олди. Муаммолар вақтида ҳал этилиб, дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Хўжаликда кўпгина тажрибали назоратчилар фаолият юритишаяпти. Баҳриддин Полвонов, Неъмат Тоғаев, Шуҳрат Ўроқов, Фахриддин Яхшибоев, Тоштемир Номозов, Шукур Эшқувватов, Усмон Қосимов кабилар эл мулкининг чинакам посбонларидир. Жамоат топшириғини кўнгилдагидек бажариб, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилашга қаратилган қатор таклифлар билан майдонга чиқишмоқда. Зарбдорларнинг суратлари Ҳурмат тахтасидан муносиб ўрин олган.

**Б. ОРЗИҚУЛОВ.**

## ТЕЖАМКОРЛИККА ЭЪТИБОР

**Комбинатимиз ишчи ва хизматчилари 1988 йилнинг дастлабки кунлариданоқ зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Коммунистлар Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига пухта тайёргарлик кўришаяпти. Улар ўзаро талабчанликни янада кучайтириб, беш йиллик шахсий планларини муддатидан илгари адо этиш учун мавжуд имкониятлардан иложи борича унумли фойдаланишаяпти.**

**Бир вақтлар коллективда интизом сусайиб, носоғлом муҳит юзага келди. Назоратчилар вазиятга тўғри баҳо бериб, ўз фаолиятларини жонлантирдилар. Текширув ва рейдлар самарадорлиги таъминланиб, ҳар бир кишининг ишга муносабати атрофлича ўрганилди. Камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Жумладан, рейдлардан бирида шофёр Б. Назаров йўл варақаси муддатини ўзича узайтириб олганлиги аниқланди. У кўпчилик ўртасида изза қилиниб, бир ойлик мукофотдан маҳрум этилди. Назоратчилар шу билан чекланишмади. Вақти-вақти билан суҳбат ўтказиб, унга амалий ёрдам кўрсатишди. Натижада Б. Назаров мусобақа пешқадамлари сафидан ўрин олди.**

**Комбинатнинг транспорт бўлими алоҳида ўрин тутади. Бу ерда ишни график асосда ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, юкларни манзилга вақтида етказиб бериш борасида дастлабки қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Олти кишидан иборат бўлим назоратчилари ибратли тадбирларни амалга оширишмоқда. Уларнинг жонкуярлиги туфайли рейслар самарадорлиги таъминланиб, тежамкорлик ҳаракати кучаймоқда. Йил бошидан буён 220 литр нефть маҳсулотлари иқтисод қилинди. Аҳмаджон Турғунов, Бурҳонжон Насриддинов каби ўз касбининг усталари нормани ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларини янги меҳнат ютуқлари сари руҳлантиришмоқда.**

**Комбинатда группа назоратчиси Ж. Камоловни барча ҳурмат қилади. У машина ва автобусларнинг техник ҳолати, тозалигини қатъий назоратга олган. Шунингдек, кўпчиликни қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбатлар уюштириб, иқтисодий омилларни кенг шарҳлаб бораяпти. Т. Абдураззоқов, П. Абдураҳмонов каби эл мулки посбонлари шаънига ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин.**

**Комбинатимиз ишчилари айни кунларда уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. Коммунист ва комсомоллар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишаяпти. Мақсадга эришишда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг синалган омили — социалистик мусобақанинг роли беқиёс бўлмоқда. Бутун диққат-эътибор ўн иккинчи беш йиллик планини муддатидан илгари муваффақиятли бажаришга қаратилаяпти.**

М. ТОШПЎЛАТОВ,
Намангандаги КПСС XXV съезди номли аврли шойи газламалар комбинатининг халқ назоратчиси.

## МУҚАДДАС ТАШВИШ

Маҳкам Шарипов ишга ҳамиша барвақт келади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мўъжазгина кабинетига кириб қўлига қоғоз-қалам олган эдики, эшикдан бир нуроний кириб келди.

— Кечирасиз, ўғлим, балки адашгандирман. Менга Маҳкам Шариповга учрашинг дейишганди.

У ўрнидан туриб қарияни қаршилади.

— Овора бўлибсиз-да, отахон. Бирортасидан айттирворсангиз ҳам бўлаверарди, ўзимиз бориб ҳолингиздан хабар олардик.

— Раҳмат, раҳмат, ўғлим, кам бўлма. Шу дегин бир илтимос билан келувдим... Уйимиз эскириб кетди. Вақтинча вагонда яшаб турибмиз. Янгиси ҳам ҳадемай битарди. Аммо ёғоч йўқ, шифер йўқ, деб чўзиб келишаяпти. Чол-кампир қийналиб қолдик. Ишнинг чаласини тезроқ битиришга ёрдамлашиб юборсанглар дегандим. Балки бу иш сизларнинг вазифангизга кирмас...

— Тўғри келибсиз, хижолат бўлманг. Халқ назоратчиси ўз номи билан халққа хизмат қилади. Бемалол уйингизга бораверинг. Бу ёғидан эса ташвишланманг.

Шарипов қарияни кузатиб қўйгач, телефон орқали прорабни йўқлади.

Сал ўтмай Владимир Шаталов кириб келди.

— Тинчликми?

— Ветеран Йўлдошев уйининг қурилиши нега тўхтаб қолди?

— Йўлдошев? Э-э, ҳалиги вагончада яшаётган чол-кампирлармми?



— Ҳа, худди ўшалар.

— Нима сабабданлигини билмадим...

— Сиз билмасангиз, бошқалар билишмаса, кексалар сарсон бўлиб юрса!... Буни қандай тушуниш керак. Инсонга эътибор шуми? Муҳим ишга совуққонлик билан қараганингиз учун парткомда жавоб беришингизга тўғри келади. Партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, халқ контроли группасининг раиси сифатида менинг фикрим шундай...

— Кечирасиз, — ҳушёр тортди Шаталов. — Агар ёғоч, шифер бўлмаса, нима қилиш керак?

— Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди. Нега вақтида дирекцияни, партия ташкилотини хабардор қилмадингиз? Масъулиятсизлик, ўзибўларчилик қачон барҳам топади?

Прораб хонадан бўшашиб чиқди.

Ҳа, Маҳкам Шариповни Калинин районидаги «Рассвет» совхозида принципиал коммунист, жонкуяр инсон сифатида ҳамма ҳурмат қилади. У табиатан очиқ, одамохун, талабчан бўлганидан тез орада ҳамма билан тил топиша олди. Камчиликларни рўй-рост айтишдан тортиниб ўтирмади. Баъзиларга ўхшаб орқаваротдан эмас, балки очиқчасига, дўстона танқид қилди. Шу сабабли уни халқ контроли бош группаси раислигига тавсия этишганида барча бир овоздан маъқуллади.

Жонкуяр назоратчи иштиёқ билан ишга киришди. Биринчи рейддаёқ чўчқачилик фермасида юзга яқин чўчқа боласи ҳисобда йўқлиги аниқланганида айбдорларга муносиб жазо берилишини қатъий талаб қилди. Ўша йиллари фермада ишлайдиганлар ҳеч тортинмай 10—15 килограммдан омихта емни уйларига олиб кетаверишарди. Коммунист бошлиқ 52 нафар эл мулки посбони талонторожга қарши аёвсиз ўт очди.

— Ўзаро талабчанлик муҳити юзага келган жойда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлади, — дейди Маҳкам ака. — Масалан, ўтган йили белгиланган 3.500 тонна ўрнига 4.197 тонна гўшт топширдик. Энг илғор чўчқабоқар ва молбоқарлар 700—800 сўмдан маош олишаяпти. Аммо хотиржамланишга вақт эрта.

Ҳар кимда ўзига яраша феъл-атвор, тушунча бор. Бундан ташқари назоратчилар фақат ташмачилар билангина шуғулланмайдилар. Яқинда қизиқ бир иш бўлди. Тошкент ёғ-мой комбинатидан келтирилаётган шелухалар ўлчаб кўрилганида олтита машинадан 750 килограмм кам чиқди. Бунинг устига яхши қуритилмаган экан. Росмана «жанг» қилишга тўғри келади. Асосий ишлар ҳали олдинда.

**В. НИКУЛИН.**

**СУРАТДА: «Рассвет» совхози халқ контроли бош группаси раиси М. Шарипов.**

**Н. ШАРИПОВ фотоси.**

## ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ДИҚҚАТИГА

**Очиғи, ўз кўзи билан кўрмаган одам ишонмайди: республика пойтахтидан бор-йўғи ўн беш чақирим нарида жойлашган, ёнгинасидан катта сув қувури ўтган қишлоқ аҳолиси ичимлик сувга зор. Ҳа, Калинин район Фрунзе қишлоқ Совети территориясидаги САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг агросаноат хўжалигида аҳвол шундай!**

**Қишлоқ аҳли 1986 йили турли ташкилотларга мурожаат қила-қила чарчади. Охири ўз кучи билан қувур ёткизиб, сув чиқариб олганди. Қувонч узоққа чўзилмади: оби ҳаёт бир йилдан сўнг яна тўхтади-қолди. Сабаби, у «Рассвет» совхози чўчқачилик фермасидан ортмаяпти. Ҳозир қишлоқ аҳолиси тракторларда тарқатилаётган сувга кўз тикиб ўтирибди. Маҳаллий раҳбарлар қайта қуриш, инсон омили ҳақида кўп гапиришаяпти-ю аммо ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Қишлоғимизда сув қачон сероб бўларкин?**

Қишлоқ аҳли номидан;
И. АБДУЛЛАЕВ.

Республикамиз колхоз ва совхозларида техника ремонти жадал олиб борилаяпти. Кўплаб хўжаликларда сифатли созланган машина-механизмлар аллақачон тайёрлов чизиғига тизиб қўйилди. Аммо ҳамма ерда ҳам аҳвол талаб даражасида эмас. Баъзи жойларда турли баҳоналар билан муҳим иш пайсалга солиб келинаяпти.

(РЕДАКЦИЯГА ХАТДАН).



— Ҳадемай тракторга ҳам ишим тушади-я, лекин ҳозирча «Жигули» заруррок-да.

М. ЖЎРАЕВ чизган расм.

*Меҳнатсиз даромад — эл ичра маломат*

## ЮЛҒИЧЛАР

Кейинги вақтларда Сариосиё район кооператорлари совет савдоси қоидаларини қўпол равишда бузаётганликлари ҳақида гап-сўзлар юриб қолди. Бу барча қатори биз— журналистларни ҳам ўйлантириб қўйди. Йўлга отландик. Район матлубот жамиятига қарашли универсал магазинидамиз. Атторлик моллари бўлимининг мудири Ҳалима Қосимованинг қўли-қўлига тегмайди. Унинг устамонлиги кишини ҳайратга солади. Учар сотувчи харидор Ўғилой Жўраевадан ҳар бири 25 тийинлик уч дона ғалтак ип учун 1 сўм 28 тийин санаб олди. Кўп ўтмай Хосият Саъдиевани чув туширди.

— Инсофингиз борми, пинагингизни бузмай 2 сўм уриб қолаяпсиз-а! — эътироз билдирди харидор.

Мудира ҳеч нарса бўлмагандек унинг олдига қайтимни отиб юборди-ю бамайлихотир ишини давом эттирди. Биз бўлимнинг ярмаркадаги сотувчисидан контроль текшириш мақсадида ёдгорлик буюми харид қилдик. Бу гал мудиранинг қизи Зебунисо Қосимова нақд олти сўм уриб қолди. Қаранг — она-бола хийла вақтнинг ўзида уч кишидан 20 сўм 21 тийин ўмаришди.

Трикотаж бўлимида ҳам виждон десангиз, жиғилдонини кўрсатадиган савдо ходимларига дуч келдик. Жумладан, чеҳрасидан табассум аримайдиган Иззатой Абдуллаева колхозчи Раҳимқул Бековга иккита хотин-қизлар жемперининг ҳар бирини 35 сўм 35 тийиндан пуллади. Айёрликни қаранг-а, кийимларнинг ёрлиғида ҳам шу нарх кўрсатилган. Синчиклаб текширилганда молнинг давлат баҳоси бириники 24 сўм 34 тийин, иккинчиси 28 сўм 08 тийин эканлиги аниқланди. Харидор 18 сўм 28 тийинга алданганини айтганимизда ҳайратдан нима дейишини билолмай қолди.

Бўлим омборида турли ассортиментдаги харидоргир моллар қалаштириб ташланган. Демак, тақсимот масаласида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилаяпти.

Шарғун посёлкасида яна бир қизиқ савдонинг устидан чиқдик. Йўл четида 104-автокорхонага қарашли 90—96 СДД номерли такси машинаси турган экан. Унга мол гўшти жойланган. Тортиб кўрдик: 73 килограмм. Шофёр М. Нормуродовдан гўштнинг эгасини сўрадик. У Ленин қишлоқ матлубот жамияти умумий овқатланиш корхонасининг ошпази Умаржон Мирзаевга ишора қилди. Ўртага олиб сўроққа тутганимизда гастроном сотувчиси Н. Шоймардоновдан 256 сўмга сотиб олганлигини айтди. Демак, шахтёрлар учун ажратилган гўштнинг ҳар килограмми 3 сўм 50 тийиндан пулланган. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деганларидек, қарабсизки, ҳамёнга 124 сўм 60 тийин тушиб турибди. Ошпаз У. Мирзаев ҳам шеригидан қолишмаган: гўштни комиссион нархда ҳужжатлаштирган.

Посёлкадаги 37-магазинда «ихтирочи» савдо ходими пайдо бўлибди. Исми-шарифи Зокир Бобокалонов. Бу ерга келувчилардан бири 18 сўм 20 тийин турадиган кийимлик ва 18 сўм 50 тийинлик бир жуфт оёқ кийим савдо қилди. Красовканинг бир пойини олиб баҳоси ёзилган ерини ишқаладик: 8 ўрнида 5 рақами пайдо бўлди. Бошқа молларда ҳам худди шундай. Хўш, виждонсизлик ҳам шунчалик бўладими?!

Райондаги умумий овқатланиш корхоналарида ҳам хўрандаларга хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда. «Коммунизм» ишчилар кооперацияси тармоқларининг кўпчилигида ман этилган бўлишига қарамай спиртли ичимликлар сотилмоқда. Йўл четидаги буфет мудири Саид Расуловнинг оғзи қулоғида. Бир шиша ароқни 16 сўмдан қўлма-қўл қилаяпти. Уларнинг биронтасига умумий овқатланиш корхонасининг белгиси қўйилмаган. Расулов ҳеч тап тортмай фойда кўриш учун шундай қилаяпман, деб тушунтириш хати ёзди.

Юқоридаги фактлар ҳар бир кишини ўйлантириб қўяди. Нима сабабдан эгриқўл савдо ходимлари кўнгилларига келган ишни қилишаяпти? Жавоби тайин: район халқ назоратчилари қониқарсиз фаолият юритишаяпти. Улар камчиликларни кўра-била туриб кўрмаганга олаяптилар. Текширув ва рейдлар номигагина ўтказилаяпти. Қолаверса, ҳар бир харидор кўзбўямачилар, юлғичларга қарши қатъий курашмаяпти.

Район партия, совет ташкилотлари, область матлубот жамияти правлениеси қинғир йўл билан бойлик орттиришга ружу қилган нафс бандаларининг қилмишларига яраша чора кўришлари даркор. Зеро, бундай нопок, ўзгалар ҳисобига бойлик орттираётган текинхўрларга орамизда ўрин йўқ!

**Т. РАЗЗОҚОВ,**
**Б. МЕНГЛИҚУЛОВ,**
**«Ленин байроғи» область газетаси мухбирлари.**
**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

